

## **MARIKON-AUDIT**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, М.Юсуф кўчаси, 46/2 уй, тел.: 268-49-60, факс: 267-62-07,  
«DAVR-BANK» ХЕАТБ Мирзо-Улугбек бўлимида ҳ/р: 20208000204050179001,

банк коди: 01072, СТИР: 203248237

E-mail: [marikonaudit@mail.ru](mailto:marikonaudit@mail.ru)

**134-сон**

**2017 йил 31 май**

### **МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ**

#### **«KARBONAT» АЖ Раҳбариятига**

Биз «KARBONAT» АЖнинг илова қилинаётган молиявий ҳисоботи аудитини ўтказдик ҳамда у 31.12.2016 йил ҳолатига Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни, Жами даромадлар тўғрисидаги ҳисоботни, Ўз капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва кўрсатиб ўтилган санага келиб Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни, шунингдек ҳисоб сиёсатининг муҳим жиҳатлари тўғрисидаги ахборотни ва молиявий ҳисоботга бошқа изоҳларни ўз ичига олади.

*Текиширилаётган шахс раҳбариятининг молиявий ҳисобот учун жавобгарлиги.*

Текиширилаётган шахснинг раҳбарияти ушбу молиявий ҳисоботни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилиши ва ҳаққонийлиги ҳамда раҳбарият виждонсиз ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги жиддий хатолари бўлмаган молиявий ҳисоботни тузиш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгар бўлади.

*Аудиторнинг жавобгарлиги*

Бизнинг жавобгарлигимиз биз томондан ўтказилган аудит асосида ушбу молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги борасидаги фикр-мулоҳазамизни билдиришдан иборатдир. Биз аудитни Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар этика меъёрларига риоя этилишини, шунингдек молиявий ҳисоботда жиддий хатолар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч ҳосил қилиш учун аудитни режалаштириш ва ўтказилишини талаб этади.

Аудит молиявий ҳисоботда сонли кўрсаткичларни тасдиқловчи аудиторлик далилларини олишга ҳамда улардаги маълумотларни очиб беришга қаратилган тартиботлар ўтказилишини ўз ичига олади. Тартиботларни танлаш аудиторнинг профессионал фикр-мулоҳазаларига, шу жумладан виждонсиз ҳаракатлар ёки хатолар оқибатида молиявий ҳисоботда жиддий хатолар мавжуд бўлиши таваккалини баҳолашга боғлиқ бўлади. Ушбу таваккалларни баҳолаш жараёнида аудитор ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазани билдириш мақсадида эмас, балки вазиятларга жавоб берадиган аудиторлик тартиботларини ишлаб чиқиш учун молиявий ҳисоботнинг тузилиши ва унинг ҳаққонийлиги устидан ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит шунингдек текиширилаётган шахснинг раҳбарияти томонидан қўлланилаётган ҳисоб сиёсати ҳамда бухгалтерия баҳолашнинг асосланганлигининг тегишли характерининг баҳосини, шунингдек умуман молиявий ҳисоботни тақдим этиш баҳосини ўз ичига олади.

Биз томондан олинган аудиторлик далиллари ушбу молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги борасида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдириш учун етарли ва лозим даражада деб ҳисоблаймиз.

### **Фикр-мулоҳаза**

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда 31.12.2016 йил ҳолатига «KARBONAT» АЖнинг молиявий ҳолатини, шунингдек унинг кўрсатиб ўтилган санага келиб яқунланган молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳаракатини Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (ХМҲС) мувофиқ ҳаққоний тарзда акс эттиради.

**Директор/Аудитор**

*имзо*

**Г.Г.Махмудова**

**(12.09.2012 йилдаги 04404-сонли сертификат)**

Думалок муҳр.

### ***Текиширилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар:***

*«KARBONAT» АЖ: Жиззах вилояти, Фориш тумани, «Эгизбулоқ» ҚФЙ, «ORIENT FINANCE» ХЕАТБ Амалиёт бошқармасида ҳ/р 2021 0000 4004 9135 9001, МФО 01071, СТИР 200340624, ИФУТ: 08110.*

### ***Аудитор тўғрисидаги маълумотлар:***

*«MARIKON-AUDIT» МЧЖ. Манзил: Тошкент шаҳар, М.Юсуф кўчаси, 46/2 уй, «DAVR-BANK» ХЕАТБ Мирзо-Улугбек бўлимида ҳ/р: 2020 8000 2040 5017 9001, банк коди: 01072, ИФУТ: 69202 – 84400, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 14.02.2008 йилда берилган АФ № 00030-сонли лицензия, «SUG'URTA O'Z» МЧЖ СК компанияси томонидан 07.04.2017 йилда берилган 13/00/00-2673-01-сонли Суғурта полиси, СТИР: 203248237, тел.: 268-49-60, 187-92-08.*